

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент автомобил - йўллар институти

Қўлезма ҳуқуқида

Отақўзиева Зухра Маратдаевна

Автомобил транспортини экологик муҳитга таъсирини
иқтисодий баҳолаш услубиётининг тадқиқоти

Ихтисослик: 08.00.04 - Микроиқтисодиёт
(транспорт тизимида)

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун диссертация автореферати

Тошкент - 2000

57.026 (043.3)

Диссертация иши Тошкент автомобил - йўллар
институтида бажарилди

086

Илмий раҳбар:

-техника фанлари доктори,
профессор

С.А. Салимов

Расмий оппонентлар:

-иқтисод фанлари доктори,
профессор
-иқтисод фанлари номзоди,
доцент

F.A. Саматов
К. Ирисбекова

Етакчи муассаса:

«Тошшаҳар йўловчигранс» концерни

Химоя Тошкент автомобил-йўллар институтидаги К. 067.33.03
кенгашининг «10.04.02» соат 15 да ўтадиган мажлисида бўлади
Манзил: 700000 ГСП, Тошкент, Мовароуннахр 20.

Диссертация билан Тошкент автомобил-йўллар институти
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2000 йил 10 * марти да тарқатилди

Кенгаш
илмий котиби

дон. Э.Т. Ақбаров

Илмий ишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.

Ўзбекистон Республикаси социал-иқтисодий тараққиётининг кўрсаткичлари даражаси энг аввало транспорт тизимиning ривожланиши, шу жумладан автомобил транспорти фаолияти билан боғлиқдир. Аммо бундай тараққиётнинг салбий жиҳати ҳам мавжудки, у ҳам бўлса экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

Автомобил транспорти воситаларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, улардан атроф-муҳитга чиқеттан зарарли чиқиндилар кўпайиб, ер куррасининг биосфера қобигига кирувчи барча тирик мавжудотга, айниқса инсон саломатлигига ўз зарарини етказмоқда.

Хозирга келиб автомобилларни ишлаб чиқариш нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ривожланётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатлар уюшмасининг берган маълумотларига кўра 1997-1998 йилларда, йилига 54-55 млн дона ҳар хил автомобиллар ишлаб чиқарилган. Бундай шароит автомобилларнинг атроф - муҳитга келтираётган зарарини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни зудлик билан амалга оширишни тақозо этади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг эътибор аича кучайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда "Табижатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Қонунининг 5-моддасида кўрсатилишича ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дучеси ҳамда бошқа табиий ресурслар умум-миллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Бу муаммога багишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари» асарида шундай дейилган: "Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очиқ эътироф этиш керажки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбоэзлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шугулланилмаган. Анисқорги, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбай, ўз мамлакатларининг

келажаги, табиий бойлуклари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу қақда қаттиқ ташвиш чеккән одамларнинг эса "қалб ийдоси" бўлиб келган.

Мустақил Республика изда ҳозирда амал қилаётган табиат объектларини муҳофаза қилишга багишланган қонунларда, асосий ётибор табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро мутаносибликини сақлашга, табиат объектларидан илм-фан тавсиялари асосида оқилона фойдаланишга, уларни муҳофаза қилишга, хўжалик фаолиятини амалга оширишда экологик талабларни биринчи ўринга қўйишга, инсонга соглом экологик мұхит яратишга қаратилган.

Катта шаҳарларда атмосфера қавосини муҳофаза қилишининг социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоси халқ хўжалиси учун катта аҳамиятга эга. Шу сабабли охирги йилларда кўпгина олимлар атроф-муҳитнинг иқтисодий масалаларига, чунончи, атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли келтириладиган зарарни аниқлашга ҳаракат қилғанлар. Буларга К.Г. Гофман, П.Г. Олдак, О.В. Блацкий, Г.В. Сахаров, З.Ф. Турсунова, А. Гафаров С.М. Қодиров, С.В. Пъядичев, С.С. Сайдаминов, А.М. Багдасаров, А.А. Рафиков ларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мавжуд илмий ишларда бу муаммо халқ хўжалигининг турли соҳалари доирасида ўрганилган, ёки асосан унинг техник жиҳатлари тадқиқот этилган.

Атроф - мұхит билан кишилар ўртасида болгликликнинг доимийлiği, катта шаҳарлар, шаҳар ахолиси, автотранспорт воситалари сонининг ортиб бориши ва атмосфера ифлосланишининг социал-иқтисодий оқибатлари, назарий ва услубий томондан етарли даражада ишлаб чиқылмагаялиги ушбу диссертация мавзусини белгилаб берди.

Автомобил транспорти воситаларидан атроф-муҳитта чиқаётган зарапли чиқинди газларнинг кўпайиши натижасида барча тирик мавжудот зарап кўради. Ҳозирги кунда уларнинг айниқса инсон организмига келтираётган зарапи каттадир. Атроф - мұхитга чиқиндиларнинг кўплаб чиқиши ва касалликларнинг кўпайиши оқибатида жамиятга социал-иқтисодий зарап етказилади ҳамда бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар даражасини пасайтиради. Ана шундай ўзгаришларни ўрганиб, уни миқдоран баҳолаб берадиган услубиётга эътиёж пайдо бўлди, шунинг учун ана шундай услубиёт билан боғлиқ миуаммоларни ўргачиш маълум аҳамият касб этади.

Бундай услубиётни ишлаб чиқишнинг иккита мухим томони мавжуд. Биринчидан, чиқиндиларнинг кўпайлиб кетиши натижасида кўриладиган зарар ва чиқиндиларнинг камайиши натижасида олинадиган фойданинг миқдорини хисоблаш имкони пайдо бўлса, иккинчидан атроф-муҳитнинг бузилиши қанчалик зарар келтиришини: миқдорий баҳолаш ва бу масалага ижобий муносабатда бўлиш имкони яратилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

Диссертация ишининг асосий мақсади экологик муҳит бузилишининг салбий таъсирини таҳлил этиш, муҳитнинг яхшилаштиши туфайли олинадиган иқтисодий самарани аниқлаш услубиётини тадқиқ этишдан иборатdir. Бу орқали агроф - муҳитни согломлаштириш чора-тадбирларининг самарадорлиги илмий асослаб берилади.

Кўйилган мақсадга эришиш қўйидаги вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ:

- экологик муҳитнинг аҳволини таҳлил этиш ва унга салбий таъсири этувчи омилларни аниқлаш;
- автомобил транспортининг катта шаҳарларда экологик муҳитни ифлослантириш даражаси кўрсаткичларини таҳлил этиш;
- автомобиллардан атроф-муҳитга тарқаладиган чиқинди газлар таркибини ўрганиш ва уни инсон саломатлигига таъсири этиш қонуниятларини тадқиқот этиш;
- катта шаҳарларда экологик муҳитни яхшилаш чора-тадбирларини белгилаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш йўлларини аниқлаш;
- экологик муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларининг социал-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети, автомобилларнинг экологик муҳитга ва инсон саломатлигига таъсири, ҳамда салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий баҳолаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ўргакиши.

Тадқиқотнинг объекти. Йирик шаҳарларда автомобилларнинг экологик мухитта салбий таъсири ва унинг иқтисодий баҳолаш механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг умумий услубиёти ва усуллари. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг амалий талаблари ушбу тадқиқотнинг услубий таъминот базасини ташкил этади.

Фойдаланилган тадқиқот усуллари қаторида экслогик мухитни яхшилашда системали ёндашувни қайд этиш жоиз.

Автомобиллар чиқинди газларининг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига таъсир этишини тадқиқот қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: дастур - мақсадли усул; корреляцион - регрессион таҳлил этиш ва моделлаштириш усули, маълумотларни логик ва иқтисодий таҳлил этиш усули.

Илмий ишнинг ахборот базаси. Илмий ишда Ўзбекистон Республикасининг ҳонунчилик асослари, Макроиқтисодиёт ва Соглиқни сақлаш вазирлигининг статистик, ҳисобот ва башорат маълумотлари, Давлат автомобил назоратининг маълумотлари, «Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорацияси, «Тошшаҳар йўловчилтранс» давлат концерни, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг маълумотлари, илмий текшириш ва лойиҳа институтларининг изланишлари натижалари, илмий маърузалар, ватанимизда ва хорижда чоп этилган адабиётлар, ҳамда муаллиф томонидан ўtkazilgan изланишларнинг натижаларидан фойдаланилди.

Диссертацияда кўриб чиқилаётган муаммоларнинг илмий жиҳатдан янтилиги.

- автомобиллар чиқинди газларининг экологик мухитга ва инсон саломатлигига таъсирини ўрганишда комплекс тизимли ёндашув;
- автомобиллар чиқинди газлари, атроф-муҳитни ифлосланиши ва уларни инсон саломатлигига таъсирини ифодаловчи қонуниятларнинг корреляцион-регрессион тенгламалар тизими орқали аниқлаш;

- автомобиль транспорти воситаларидақ ҳаво ифлосланишини башоратлаш услуги; - чиқинди газлар таркибидаги заарлы моддаларнинг ўзгариши билан улар келтириб чиқарадиган касалликларнинг ўзгариш қонуниятларини ифода этувчи математик тенгламалар ва графиклар тизими;
- автомобиллар чиқинди газларини камайтириш мақсадида таклиф этилган чора-тадбирлар тизими ва ёқилги аралашибасини шакллантиришни интенсификациялаш усули;
- экологик мұхитни яхшилашта қаратилған чора-тадбирларнинг социал-иктисодий самарадорлигини иктисодий баҳолашнинг услуги;
- мәйян экологик мұхит күрсаткычларини мөйерій чегараларга келтиришнинг самарадорлігі услуги.

Тадқиқот натижаларининг амалий ажамияти:

- умумий экологик мұхитта ва айицса катта шақарларнинг экологик вазиятта салбий таъсир этувчи омылларни аниқланиши ва уларни маълум тизимга келтириш;
- автомобиль транспорти воситаларини атроф-мұхитта чиқарадиган чиқинди газларининг таркибини аниқланиши, уларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, пайдо бўладиган касалликлар турининг аниқланиши;
- чиқинди газлар миқдори, тури ва концентрациясининг касалликларни келиб чиқишига таъсирининг қонуниятларини ишлаб чиқилиши;
- экологик мұхитни яхшилашта қаратилған чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқилиши ва уларни таснифланиши;
- автомобиллар чиқинди газларининг атроф-мұхит ифлосланишига ва инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирларнинг иктисодий баҳолаш услуги тизимини ишлаб чиқылғанлиги.

Тадқиқот натижаларининг тажрибада қўлланилиши.

Диссертациянинг асосий натижалари:

- 1996-1999 йилларда Тошкент автомобиль-йўллар институтида ўтказилган илмий-назарий ва техникавий инжуманларда:

1998-1999 йилларда «Ўзавтотранстехника» ИИЧБ нинг илмий-техника кенгашларида маъруза қилинган Муаллифнинг автомобил чиқинди газларини камайтириш билан бөглиқ айрим таклифлари «Ўзавтотранстехника» ИИЧБ ва «Экссан» ҳалқаро жамгармаси томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган.

Чоп этилганлик. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бта илмий мақолада 0,6 босма табоқ ҳажмида чоп этилган.

Ишнинг тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмida мавзунинг долзарблиги асосланиб, олиб борилган изланишларнинг мақсад-вазифалари, услубий асослари, ахборот базаси, илмий янгилиги ва амалиётда қўлтанилиши баён этилган.

«Автомобил транспорти ривожланишининг экологик вазиятга таъсир этишини таҳлили» деб номланган биринчي бобда ҳозирги кунда, Ўзбекистонда ва Тошкент шаҳридаги экологик вазиятнинг умумий аҳволи, автомобиллар соникинг ўсиш динамикаси, уларнинг техник ҳолати таҳлили, автомобиллардан атмосферага чиқаётган зарарли газлар таркиби ҳамда уларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири тадқиқот этилган.

«Чиқинди газларнинг атроф-муҳитга ва ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига салбий таъсири этиш даражасини иқтисодий баҳолаш услубиёти» деб номланган иккинчي бобда, атроф-муҳитнинг экологик ифлосланиш кўрсаткичлари билан ҳар хил касалликлар орасидаги бөглиқлик концепцияси, автомобиллар чиқинди газларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини аниқлаш улубиёти ва бу жараённи моделлаштириш ҳамда автомобил транспорти воситаларидан ҳаво ифлосланишини башоратлашнинг услубиёти борасидаги тадқиқотлар натижалари баён этилган.

«Автомобил транспорти фаoliyatiining экологик муҳитга таъсирини иқтисодий баҳолаш» деб номланган учинчи бобда, автомобил транспорти воситалари чиқаралиган заҳарли газлар миқдори, уларни инсон саломатлигига таъсири этиш қонуниятлари, чиқинди газлар миқдорининг камайиши билан бөглиқ социал-иқтисодий натижаларни ҳисоблаш услубиёти, экологик муҳит кўрсаткичларини меъёрий чегараларга келтиришнинг санарадорлиги ҳамда уларнинг натижалари баён этилган.

Хулосада илий изланишларнинг натижалари умумлаштирилган бўлиб, экологик муҳитни яхшилаш, инсон саломатлигига автомобиллар чиқинди газларининг салбий таъсирини камайтириш борасидаги таклифлар берилган.

Диссертация ишининг асосий мазмуни ва ҳимоя қилинадиган натижалари.

Инсоннинг меҳнат фаолияти ва яшаш жараёни натижасида атроф-муҳит турли чиқиндилар билан ифлосланади ва уларнинг бир қисми ҳавога, бошқаси сувга, тупроқка ва ҳайвонот дунёсига ўтиб, тўпланиб боради. Ҳеч бир чиқинди модда ернинг тортиш кучини енгиди коинотда изсиз йўқолиб кетмайди ва уларнинг йиллар давомида астасекин тўпланиб бориши маълум даражага етганда эса турли муаммоларни келтириб чиқаради.

Бу масалани кескин тус олишининг асосий сабаблари: ўрмонларнинг йўқ қилиш натижасида йилнiga ўртача 1,0-2,6 млрд. т. углероднинг атмосферага қўшилиши; об-ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, дунё океани сатҳининг 2100 йилларга келиб ўртача 1,4-2,2 м.га кўтарилиши; сув ҳавзаларига нефт маҳсулотлари, оғир metallлар, саноат ва майший ахлатларнинг тушиши, Марказий Осиёнинг улкан сув ҳавзаси Орол денгизи сатҳининг кескин пасайини, ундаги туз миқдорининг кўпайishi, Фишлаб чиқариш корхоналари ва транспорт тизими фаолияти натижасида атмосферанинг ифлосланнишни ва ниҳоят автомобилларнинг чиқинди газларини атроф-муҳитни ифлосланиши киради.

Автомобил транспорти тизимининг асосий элементи ҳисобланади ва улар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Автомобил транспорти воситалари йилдан-йилга кўйайиб, унга бўлган эҳтиёж кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёда автомобиллар сони 500 милион ортиб кетди. Ривожланган мамлакатларда катта шаҳарлар сони ортиб, уларда яшовчи аҳоли сони ҳам ортиб бормоқда. Бундай шаҳарларда эса атмосферани ифлослантирувчи икки манбаа- автомобил транспорти ҳаракати ва саноат корхоналарининг фаолияти мавжуд.

ДАН маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки Тошкент шаҳридаги шахсларга, корхоналар ва ташкилотларга тегишли автомобилларнинг ҳар тўрттасидан бири экологик жиҳатдан носор деб топилган. «Ўзавтотранс» давлат акўйядорлик корпорациясининг 30,4%, қурилиш ташкилотларининг 33,1%, соглиқни сақлаш вазирлигининг 39,5%, коммунал ҳўжалик вазирлигининг 34,9%, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 27,7 %, «Ўзбекистон темир Ўзлари» корпорациясининг 31,1% автомобиллари экологик жиҳатдан носор деб

топилган. Носоз автомобиллар эса атроф-муҳитга чиқинди газларни аяча кўпроқ чиқаради.

Тошкент шаҳрида автомобилларнинг 91,0% бензин, 5,3% дизел, 3,7% газ ёқилгисида ишлайди. Автомобил ички ёнувдвигателларини газга ўтиказиш эса паст суратларда амалга оширилмоқда.

Автомобилларнинг ички ёнувдвигателларидан чиқадиган чиқинди газлар таркиби 200 ҳилга яқин бириммаңардан иборат бўлиб, газ ва қаттиқ бириммалар шаклида бўлади. Улар углерод оксиди (CO), ёниб бўлмаган углеводородлар (CH_4), азот оксидлари (NO_x) олтингурут оксиди (SO_2), бензилпирен, кўргочин, курум ва бошқалардан иборат.

Мутахассисларнинг маътумотига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4,0 млн. тоннага яқин заҳарли моддалар кўшилмоқда. Шулардан ярми углерод оксидига тўғри келади, углеводород оксидлари - 15%, олтингурут кўш оксиди - 14%, азот оксиди - 9%. қаттиқ моддалар - 4% ни ташкил этади. Ҳар бир автомобиль бир йилда ўртача 700 кг. углерод оксидини, 230 кг. ёниб бўлмаган углеводородларни, 40 кг. азот оксидини, 2-5 кг. қаттиқ ҳолатдаги моддаларни атмосферага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин автомобиль транспортининг моддий-техникавий базасини яхшилаш ва мустаҳкамлашта катта зътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ўз автомобилсозлик саноатига эга бўлган давлатлардан бирига айланди. Жанубий Қурғи ва Туркия билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган енгил автомобиллар, автобуслар ва юк автомобиллари республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кун сайни кўпайиб бормоқда. Жаҳондаги 38 та автомобиль ишлаб чиқариш қуввати бўйича Ўзбекистон 33 ўрияни эгаллаб турипти.

Ўзбекистон транспорт воситаларининг концентрацияси юқори бўлган давлатлар қаторига киради. Тошкент шаҳрида ҳам автомобиллар сони 200 мингтадан ошиб кетди, ўсиш асосан енгил автомобиллар ҳисобига бўлимоқда.

Иккинчи томондан Тошкент шаҳрида мавжуд автомобилларининг 40% дан кўпроги 10 йил ва ундан кўпроқ иштатилмоқда, бу эса атмосферага ташланадиган чиқиндиларни янада кўпайишига олиб келади.

Табиий иқлим шароитларини ҳисобга олганда, Ўзбекистонда автомобиллар специфик шароитда ишлайди. Бир томондан тропик

иқтимига яқин иссек икәлим, иккивчи томондан әса ҳавода чангтүзөннинг күплигидир.

Бензин ва дизел ёқилгисида ишлайдиган автомобиллардан чиқаётган заарли чиқиндилар атмосферани ифлослантирувчи асосий моддалар бўлиб унинг бошқа манбааларга қараганда ялпи улуши 67% ни ташкил этади, катта шаҳарларда (Тошкент, Самарқанд, Андижон) эса бу кўрсаткич 74% ни ташкил этади.

Атмосферада заарли чиқиндиларниң йигилиши қўйидаги ходисаларга олиб келади:

- умумий зарар (ёқимсиз ҳидлар, кўринишнинг ёмонлашуви);
- инсон саломатлигига таъсири (нафас олишга, кўриш қобилиятига, умумзаҳарловчи таъсир, мутаген ва канцероген таъсир);
- атроф-муҳитга таъсир (моддаларниң ифлосланиши ва бузилиши, коррозия, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайиши ва б.).

Диссертацияда ҳавони ифлослантирувчи бирикмаларниң атмосферани ифлосланиш ҳолатига ўртacha суткалик таъсирини аниқлаш учун бу борадаги меъёрлар ва илмий изланишларниң натижалари таҳлил этиб чиқилди ва маълум тизим шаклига келтирилди.

Атмосферадаги заҳарли моддаларниң инсон соглигига таъсирини интеграл баъзлаш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Бу муаммони ечиш учун заҳарли чиқиндилар ва турли касалликлар орасидаги боллиқликнинг статистик маълумотларидан, ҳамда меъёрлардан фондаланилди.

Автомобиллар чиқинди газларининг келтириб чиқарадиган касалликлари қўйидагилар: нафас олиш йўлларининг катари; бронхит; пневмония; юрак хасталиги; гипертония касаллиги; қон ва қон айтанини тизими касалликлари; ўсимталарниң пайдо бўлиши; ошқозон - ичак касалликлари ва бошқалар.

Тиббиёт статистикаси маълумотлари таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, охирги беш йилликда экологик шаронклар билан боллиқ касалликлар кўнаймоқда. Катта одамларда нафас олиши йўли касалликлари барча ноинфекцион касалликларниң 30%ни Зодалларда эса 54% ни ташкил этади ва барча бошуз қониферичон касалликлар структурасида етакчи ўрин эгаллади. Нарзимчи касалликнинг йиллик

Үсім жерлерде таңыларда 10%, үсімдерда еса 63% ни ташкил этади.

Хозирға заңда үсімдерда қол айланыш тизими жасалынуда күпайтак. Бу күрсаткыч 1991 йылда ҳар 10000 кишига 62 тани ташкил эттан бұлса, 1998 йылда 200 тадағ ошиб кетди. Еш болаларда тегищілік 17,3 за 5,3 тани ташыл этади. Үсімталар жасалынуда билан оғриғандар еса 1991 йылда 27,2 киши бұлса, 1998 йылда 32,0 тани ташкил этади.

Атроф-мухит омылларига багишланған тадқиқоттар республикамензининг оымдары томонидан жадалтк билан үрганилмоқда.

Қайд этиш лозимки бу изланишларнинг деярлы күпчилігі автомобиль транспорты фәолиятиңегі салбай таңырнан күп жиһатлары билан болғылдайды. Аммо биз тадқиқоттарымыз чегарасыда факат чиқындиларнинг иисөн саломатлығына таңыр этувчи омылларни бақолаш, бу таңырни жамайтирувчи чора-табдирларни ишлаб чиқиши үларниң самарадорлығини иктисадий жиһатдан бақолаш мұаммолари билан чегараланды.

Күйлігак масалалыңынг ечимнен үрганиш жуда күп ташкил этувчолар билан үзаро болғылдығын ҳисобға олсақ, автомобиль транспорты фәолияти чиқындиларнинн одамларни у ёкін бу жасалынғы билан оғриштегі таңырниң үрганиш мұаммосини замонавий математик-статистик усууларсыз тасаввур этиш кілін.

Юқорида қайд этилғандарни үз ичига олувчи, умумий құлланишларда жуда қуалай бұлғак күпомилли чизиқты корреляцион болганишни анықлаш лозим бўлди. Назарий изланишлар жасалынуда билан атмосферага чиқадиган чиқындилар орасыда тўгри пропорционал болғылдик борлигини күрсатди. Бу ҳол бизнинг масаламиз гоясига айнан мос келади.

Айтилғандарни умудлаштирган ҳолда, куйидаги математик масаланы күрим чиқайлик Фарез ҳрилайлик, у, x_1, x_2, \dots, x_k , $k \geq 1$, қандайдыр тасодиғий белгилар бўлиб, улар үзаро корреляцион болғылдикда бўлсан.

Қаралаётган у ва x_1, x_2, \dots, x_k белгилар орасидаги энг содда статистик болганиш - улар орасидаги чизиқты корреляцион болганишларидир.

Бу болганишни куйидаги күрінішда ёзамиз

$$Y = C + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_kx_k \quad (1)$$

бунда, c , a_1, a_2, \dots, a_k - қандайдыр үзгәрмәс сонтар (параметрләр) булып, белгиләр орасындағы үзаро мүносабатта болғылғыдир.

Күпомилли, күпбелгилі корреляцияның асосий масаласи құйдагычы: (1)-чи ифода күришишдеги болганишта a_1, a_2, \dots, a_k, c параметрләрни шундай анықлаш кераксы (эпт кичик квадратлар маңында). Бу формула бүйіча ҳисобланышлар тәжриба асосынан олинған натижаларға етарлық яғни бўлсич. Бошқача қылтырғанда тенгликкіншүйгі томонига $x_1^{(i)}, x_2^{(i)}, \dots, x_k^{(i)}$, $i=1, m$ ларни қўйсан, натижада жадвалдаги y_i лардан фарқтанувчи \hat{Y}_i ларни хосиз қиласиз. $\hat{Y}_i = y_i$ айрима (1) бүйіча ҳисобланғандеги билдиради. Шу фарқларни камайтириш мақсадиды энд кичик квадратлар үсули бүйіча a_1, a_2, \dots, a_k, C . С ларниң шундай қийматларини ахтарамизки, натижада үшбу ифода энд кичик қийматтаға эришеник. Бу масала тенглемалар системасини ечиш орқали амалтаға оширилади.

$$S = \sum_{i=1}^m (a_1 x_1^{(i)} + a_2 x_2^{(i)} + \dots + a_k x_k^{(i)} + C - y_i)^2 n_i \quad (2)$$

Юқорида айттылғандек, топилған \hat{Y} нинг қийматы күзатышлардан олинған y_i лардан бир оз фарқ қиласиди. Енимнин анықтыйтыра жаңа шу фарқга болғылғы бўлади.

Топилған $\hat{Y} = C + a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_k x_k$ мүносабат x_k ларниң y_i га (аниқланған $C, a_1 + a_2 + \dots + a_k$ лар бүйіча) таъсирини исфодалайди.

Албатта тасодифий белгиләр орасында болғылғылардың ұрнатышда мураккаб корреляцион болганишлардан ҳам фойдаланиш мүмкін. Лекин биз қўйған масаламиздеги ечими учук содда ёкдашып анықтыйтыра жиыннан етарлы деб ҳисоблагымиз.

Чизиқли корреляцион модел ҳар бир омилни ұрганилаёттаки касалликка таъсирини ва омилларның үзаро болғылғылар динамикасини миқдоран баҳолаб беради. Үниң таҳлили автомобильларның зарарлы чиқинди газларни иисен саломатлигига таъсирини камайтириш ва у орқали олиниадиган самарани комплексларда миқдоран тадқиқ этиш имкониятини беради.

Юқорида қайд этилгая касаллар за автомобильларның зарарлы чиқиндилари орасындағы болғылғыларни күрсатувчи хусусий ва жуфт холдаги корреляция коэффициентларыннан таҳтилидан, касаллар билан тадқиқ қылқанаёттан омиллар орасында

богланишнинг кай дарежада күчни ёки энгизни күнсанкорр эквентитини кўриши мумкин. (1-жадвал).

Кэлтирилган корреляция коэффициентаридан кўриниб турбидики, углерод оксили, пайдо бўлатётган касалликларга энг кучни тасир этувчи зарарли чиқинди газ экан.

У энг кўп даражада кон босими билан кечган камкоёнлик касаллигига (-0,9118), кон босимисиз кечган камкоёнлик касаллигига (-0,9598), нафас олиш органларининг касаллигига (-0,6823), нафас олиш органларининг касаллигига (-0,5334), кон босими касаллигига (-0,4944), тери касалликларига (0,471) тасир этишини куришиниз мумкин.

Ушибу касалликларга нисбатан углерод оксили янги пайдо бўлган ўсимталар касаллигига (-0,0467), асаб тизими ва сезги аъзолари касалликларига (-0,2523) камрок даражада тасир этаркан.

Юкорида кайд этилан тенгламалар системасига кўра ((1), (2)) 10та масалага доир, 5та номалумли ва тенгламаси 10та бўлган система хосил қилинди.

Тенгламалар

системасидаги

тегишлича

корреляция

коэффициентларидан олинган.

Уларнинг дисперсиеси кўйидагича:

$$\begin{aligned}\delta_{x1} &= 4,1721577 & \delta_{x4} &= 0,1780977 \\ \delta_{x2} &= 0,8043009 & \delta_{x5} &= 0,215218 \\ \delta_{x3} &= 0,0899494\end{aligned}$$

Хисоб-китоблар натижалари шуни кўрладики, касаллик ва уни келтириб чиқарувчи омиллар орасидаги boglaniш амалиёти тажриба натижалари билан юсуска юнга.

Атмосфера ифтолганишнин метерологик нуктаси натижалари билан бевосита боллиг бўлган масалалар мажмунини тадқикот этишида қисқа ва узоқ муудлатли башорат шартлари ва атмосферанинг ер олди катламида заҳарли чиқиндиларининг катта мидорда жамланниши масалалари янги йўналдиши хисобланади.

Бу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, атмосфера ифтолганишни башорат этиш услубиётларининг ривожланиши хозирда кўйилдаги икки йўналдиши бўйича амалга оширилади:

- турбулент тенгламасини ечиш ёрдамида, чиқиндиларнинг тарқалишини математик баён қилиш негизида атмосфера диджитализиси назариясини ишлаб чиқиш:

1 - жадвал

Касалликлар билан автомобилларнинг заарарли чиқинди газлари орасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари

Касалликлар	Касалликка тасир этувчи омиллар				
	x_1	x_2	x_3	x_4	x_5
1 Нафас олиш аъзоларининг сили	0,5867767	0,1059408	0,2264425	-0,2357086	-0,2498435
2 Янги пайдо бўлган ўсимталар	-0,0467648	-0,8521197	-0,6368366	-0,8705468	-0,815384
3 Асаб тизими ва сезги аъзолари касалликлари	-0,2523167	0,0795791	-0,0425365	0,1679626	0,1978262
4 Кон босими касаллиги	-0,4944694	0,6623813	0,2474479	0,8179996	0,8454332
5 Кон босими билан кечган камкоёнлик касаллиги	-0,9118631	0,0985057	-0,3730556	0,3244183	0,3761362
6 Кон босимисиз камкоёнлик касаллиги	-0,9598936	-0,4004453	-0,7564556	-0,1798666	-0,1304344
7 Нафас олиш йўлларининг сурункали яллигланиши	0,2672375	-0,343848	-0,1017318	-0,4048681	-0,4024985
8 Нафас йўли бўгма хафақон касаллиги	-0,5334708	0,5941964	0,1688481	0,7461324	0,7676894
9 Нафас олиш аъзоларининг бошқа касалликлари	-0,6823539	0,2014755	-0,1992236	0,3630919	0,3850149
10 Тери ва тери ости тўқималар касалликлари	-0,4471606	0,50585	0,1662638	0,6532844	0,6864688

- күп ҳолларда Гаусс күрниншидаги интерполяцион моделларни табдик этиш орқали атмосферада заҳарли чиқинидиларниң тарқалишини статистик таддиг этиш.

Ушбу илмий ишда, кўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, умумий ҳолда ҳаво ифлосланиши башорати масаласини математик ишткази низардан чизиқли дифференциал тенгламанинг хусусий ҳосилласини ечиш орқали ҳал этиш мумкинлигини асослашга ҳаракат қилинди. Натижада, атмосферанинг катта ҳудудларида ифлосланиш даражасини баҳолаш учун автомобилларнинг техник ҳолатини ва босиб ўтган йўлини, ички ёнувдвигателларининг турини, ҳамда ҳаракат воситаларининг тузилишини ҳисобга олган ҳолда, берилган ҳудудда автомобил транспортидан чиқадиган заҳарли моддаларнинг умумий ҳажмини аниқлаш имконини берадиган математик модел ишлаб чиқилди.

Умумак автомобиллар сони учун қаралаётган ҳудудда берилган вақт (t) давомида зарарли (j) модда (M_{ij}) чиқинди масаси турли автомобил гурухлари учун (бензинли, дизел, газли ва бошқа турдаги двигателлар) кўйидаги формула билан аниқланади

$$T_j = \sum_{i=1}^n N_{ik} L_{ik} Q_{ik}(t) \cdot R_{ikj}(t) \quad (3)$$

бу ерда, i - автомобил гурухлари сони; N_{ik} - i гурухли k -турдаги двигателли автомобиллар сони; L_{ik} - i -гурухдаги k -турдаги двигателли автомобилларнинг ўртча босиб ўтган йўли, км.; Q_{ikj} - i гурухдаги k -турдаги автомобилларнинг чиқазган чиқинидиси (г/км).

Ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделлар автомобиллар зарарли чиқинди газларини камайтириш орқали касалликларнинг ўзгаришини кузатиш имконини беради. Моделларда қатнашаётган омиллар орасидаги корреляшони боялтиликни ўрганишдан ташқари улар орасидаги миқдорий боялништарни ифодаловчи регрессия тенгламаларини таҳлил этиш ҳам муҳим масалалардан бириди. Регрессия тенгламасига кўра, битта аргументнинг ўзгариши туфайли бошқа аргументларнинг тегишлича қийматлари ўзгаради. Регрессия тенгламаси кўйидагича:

$$X_n = R_{wmp} x_m + (x_n - R_{wmp} x_m) \quad (4)$$

бунда, $x_n - x_m$ га нисбатан ўзгарган аргумент қиймати;

$x_m - c < x_m < d$ оралығыда ўзгариш қиймати;

x_n, x_m - тегишли аргументларнинг ўртача қийматлари.

$$R_{x_n} = r_{x_n \cdot x_m} \delta_{x_n} / \delta_{x_m} \quad (5)$$

Бунда $r_{x_n \cdot x_m}$ - тегишли корреляция коэффициентлари;

$\delta_{x_n}, \delta_{x_m}$ - тегишли а дисперсия қийматлари.

Масалан, углерод оксили (CO)га, яны x_1 га қийматлар берилиб, қолган аргументларнинг тегишли а қийматлари регрессия тенгламасы күйидеги күришишга эта:

$$Y_1 = 2046,3321 - 574,264x_1 - 3152,051x_2 + 4686,981x_3 - 4646,592x_4 - 170,936x_5; \quad (6)$$

Автомобиллар зарарлы чиқиндилари ва касаллуктар орасындағи ғылыми күрсатуви мөдөндерден фойдаланыб. ҳар бир касаллуктың ўзгариши туфайли келтирилаётган иқтисодий зарар екі самарани ҳисоблаб чиқыш имконияти мавжуд.

Зарарлы чиқиндилар билан бөлгілік равища пайдо бұладын касаллуктар туфайли келтириладын зарар уч йұналишда күриб чиқылды:


- касал кишиларнинг ишлаб чиқаришда қатнашмаслығы туфайли йүқотилған маңсулот ҳажми;
- касални даволашға кетадын харажаттар;
- касаллук варақасига тұланадын маблаг.

Автомобил транспорты зарарлы чиқинди газларнинг ўзгариш қонунияттарини моделлар бүйіча кузаттанда, ҳар бир чиқиндининг ўзгаришида касал кишилар сонининг ўзгариши турлыча эканлигини күриш мүмкін.

Ҳар бир касал киши туфайли, бир йилда йүқотилған маңсулот ҳажмини ишлаб чиқаришда банд бұлған кишилар сондан фойдаланыб топиш мүмкін.

Астроф-мухит шароитини яхшилаш, автомобил транспорты зарарлы чиқинди газларнинг таşқы мұхитта чиқышини камайтириш бир қатор күрсаткычларни яхшилашга олиб келади.

Шунинг учун, олиб борилған изләнешшар натижасында автомобил транспорты воситаларининг салбий таъсирини камайтиришіннинг чоратадырлари ишлаб чиқылды, уларнинг таскифи күйидеги (1-Расм):



I-Расм Автомобил транспорти воскілаларин жаңарылыштарынан да, уларни салбый тасырини камайтиришинг ассоциацияның іштегі мүшкінліктеріндең бірі болып саналады.

Атроф - мұхиттіннег қолатини яхшилашға олиб келадиган табдирларнинг барча ағзалик ва камчылыкларыннан таҳлили асосида, ҳамда Үзбекистондаги мавжуд автомобил транспорти воситаларининг таркиби, уларнинг техник қолати, бөсіб үтгап масофаси ва шунга үшаш омилларни инобатта олиб иккі йұналиш бүйіча заарлы чиқындиларнинг атмосферага чиқишини камайтириш тәклиф этилди:

- заарлы чиқындиларни камайтиришга имкон берадиган, ёқылғи аралашмасини ҳосил қылышни интенсификациялаштирадиган усқунаның құллаш;

- бензинде ишлайдиган автомобилларнинг ички ёнув двигателларини сиқылған табиий газга үтказиш бүйіча табдирлар.

Бу табдирларни құллашыннан иқтисодий самарадорлігінни ҳисоблашыннан үслубиеті ишлаб чиқылды ва ҳисоб - китоблар амалға оширилди.

Ениш жараёнини интенсификациялаш имкониятінін берадиган усқунаның чиқынди газларни қамайиши ҳисобига келадиган иқтисодий самардорлігі, үрта ҳисобда биттә шартты автомобилге бир йилда 346,2 минг сүмни ташкил этади.

Ички ёнув двигателларини газга үтказиша чиқындиларни камайиши ҳисобига келадиган иқтисодий самара 14,5 минг сүмни ташкил этади.

Автомобиллардан чиқадиган заарлы газларнинг экологик мұхитта таъсирини иқтисодий бағолашга йұналтирилған тадқиқот натижалары күйидеги асосий хulosалар ва тавсияларни ифодалаш имконини беради:

1. Тошкент шаҳрида экологик мұхит ақвөлининг таҳлили шуни күрсатадықи автомобиллар сочиннинг үсиши ва уларнинг фаолияти натижасыда чиқынди газларнинг иясон саломатлігінде салбий таъсири натижасыда юқори нафас олиш йүллари, қон - томир системасы ва янгидан пайдо бұладыған үсімталар касаллilikтарыннан күпайиши күзатылди.

2. Охирги беш йилликда экологик шароитлар билан бөглиқ касаллilikтар күпаймоқда. Катта одамларда нафас олиш йүли касаллilikтары барча ионіфекцион касаллilikтарыннан 30 % ни, болаларда эса 54 % ни ташкил этади.

3. Автомобил транспорти фаолияти чиқындиларыннан одамларнинг у ёки бу касаллilik билан оғрылғында таъсирини ўрганиш мұаммоси замонавий математик - статистик усулларни құллаш

лозимлигини, умумий құлланыштарда жуда жуалай бұлған күпомисли қизиқылы корреляциян bogliқтік борлигини күрсатди. Қизиқылы корреляцион модель әр бир омылниң үрганилаёттан касалликка таъсирини ва уларнинг ўзаро bogliқtik динамикасини миқдоран баҳолаб беради. Таҳлил автомобильларнинг зарарлы чиқинди газларини инсон саломатлигига таъсирини камайтириш ва у орқали олинадиган самарани комплекс тарзда миқдоран тадқиқ этиши имконини беради.

4. Ҳисобланған корреляция коэффициентлари шуни күрсатдикі углерод оксиди, касалликларнинг пайдо бўлишига энг кўп "хисса" кўшадиган газ экан. Энг кўп даражада қон босими билан кечгак камқонлик касаллигига, нафас олиш органдарининг силига, нафас йўли бугма хафақон касаллигига, тери касалликларига таъсир этиши аниқланди.

5. Ишлаб чиқилған иқтисодий – математик моделлар автомобильлар зарарлы чиқинди газларини камайтириш орқали касалликларнинг ўзгаришини кузатиш имконини беради. Моделларда қатнашаётган омыллар орасидаги корреляцион bogliқtikни үрганишдан ташқари улар орасидаги миқдорий bogliқtik касалликларни ифодоловчи регрессия тенгламаларини таҳлил этиши мумкин бўлади.

Автомобильлар зарарлы чиқиндилари ва касалликлар орасидаги bogliқtikни кўрсатувчи моделлардан фойдаланиб, әр бир касалликнинг ўзгариши туфайли көлтирилаётган иқтисодий зарар ёки самарани ҳисоблаб чиқиши имконияти яратилди.

6. Олиб борилған изданишлар матижасида автомобил транспорти воситаларининг салбий таъсирини камайтиришнинг чора – тадбирлари ва уларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Мавжуд шарт шаройитта қараб энг самаралисиси танлаб, ҳаётта тадбиқ этиши мумкин.

7. Атроф – мұхиттінің қолаттін яхшилашга олиб келадиган тадбирларнинг барча афзаллік ва камчилікларининг таҳлили асосида, зарарлы чиқиндиларни камайтиришга имкон берадиган, ёқиғи аралашмасини ҳосил қылышни интенсификациялаشتырадиган ускунаниң құллаш заңында ишлайдиган автомобильларнинг ички ёнув двигателларини сиқылған табиий газга ўтказиш бўйича тадбирлар таклиф этилди.

Ениш жараёнини интенсификациялаш имкониятини берадиган ускунанинг чиқинди газларининг камайиши ҳисобига келадиган иқтисодий самардорлігі, ўрта ҳисобда битта шартли автомобилга бир йилда 346,2 минг сўмни ташкил этади.

Ички ёнув двигателларини газга ўтказишдан чиқиндиларни камайиши ҳисобига келадиган иқтисодий самара 14,5 минг сўмни ташкил этади.

Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари
куйидаги ишларда чоп этилган.

Журналдаги мақолалар

1. «Табиат ўч олади», Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №1, Тошкент. 1997 йил.
2. «Автотранспорт и охрана окружающей среды», Сельское хозяйство. №1, Ташкент, 1997 йил.
3. «Атроф-муҳит соғ бўлса», Ўзбекистон автотранспорти. №1-2, Тошкент, 1999 йил.
4. «Экологик тозалик - иқтисодий самарадорлик гарови». Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №9, Тошкент, 1999 йил.

Тўпламдаги мақолалар.

5. «Атроф-муҳитни согломлаштириш чора-тадбирларини самарадорлигини ҳисоблаш усули». Ўзбекистон Республикасининг автомобил-йўллар комплексини бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши, Республика илмий-техникавий конференциясининг мақолалар тўплами, 16-18 сентябр. Тошкент, 1997.

**Краткое содержание
диссертационной работы З.М. Отакузиевой на тему:
«Исследование методологии экономической оценки влияния
автомобильного транспорта на экологическую среду»
на соискание ученой степени кандидата экономических
наук по специальности
08.00.04 - Микроэкономика (транспортная система).**

Актуальность темы диссертационной работы обуславливается постоянством связей людей и окружающей среды, увеличением чиста городов, городского населения и количества автомобилей, а также отсутствием общепринятой методологии социально - экономической оценки последствий загрязнения окружающей среды автомобильным транспортом и выработка мер, направленных на снижение уровня токсичных выбросов.

Для достижения цели диссертации - разработаны и апробированы методология предприятий по снижению вредного влияния отработанных газов на окружающую среду и здоровье человека, социально - экономическая оценка их воздействии, структура и содержание отработанных газов и закономерности их влияния на здоровье человека.

Научная новизна и практическая ценность исследованных проблем проявляется в следующем:

- комплексный подход к изучению влияния токсичных выбросов на окружающую среду и здоровье человека;
- определение закономерностей влияния отработанных газов автомобилей на здоровье человека при помощи регрессионных уравнений;
- система мер, направленных на уменьшение вредных выбросов и методы интенсификации формирования топливной смеси;
- методология экономической оценки разработанных мероприятий по улучшению экологической обстановки и приведения их к нормативным показателям.

В работе определен уровень загрязнения в больших городах Узбекистана, его влияние на окружающую среду, виды болезней, возникающие в последствии увеличения уровня вредных выбросов автомобилей.

Установлено статистическая связь между отработанными газами и болезнями у людей в виде линейной множественной корреляции, определены коэффициенты корреляции и уровень регрессии.

Разработана модель, позволяющая прогнозировать объем вредных выбросов в зависимости от типа двигателя автомобиля величины пробега, технического

состоания автомобилей и других факторов, что позволяет путем мер по сокращению отработанных газов обеспечивать снижение уровня заболеваемости у людей.

Общая методология экономической оценки влияния отработанных вредных газов на здоровье человека и разработки мероприятий по их снижению имеет определенный научный и практический интерес.

Результаты теоретических исследований и рекомендаций автора, нашли своё выражение в публикациях и выступлениях на научно-технических конференциях.

Short content

of research work of Z.M. Otakuzieva on subject:

«Methodology Study of economic evaluation of influence of car transport on the ecological ambience» on cosearching for a teaching degrees of candidate of economic sciences on professions 08.00.04 - Microeconomy (transport system).

Urgency subject of research work is a constancy of relationships of people and surround ambiences, increasing a number of cities, town population and amount of cars, as well as absence of the co-ordinated methodology, is social-economic evaluation of consequences of soiling a surround ambience by the car transport and measures direct on the reduction of toxic surge level.

For the achievement purposes to theses - is designed and approve methodologies of actions on reducing a bad influence of a perfect gases on the surround ambience and health of person, its is social-economic evaluation of structure and contents of a perfect gases and regularities of their influence upon health of person. Designed actions on perfecting an ecological situation in greater cities and methodology is social-economic evaluation of introducing these actions.

Scientific novelty and practical explored problem value is show by following evaluations:

- complex approach to studying an influence of toxic surges on the surround ambience and health of person;
- determination of regularities of influence of a perfect gases of cars on health of person with the help of перессионных equations;
- measure system, direct on the reduction of bad surges and methods an intensification of shaping a fuel mixture;
- methodology of economic evaluation of developing actions on perfecting an ecological situation and adduction them to normative factors.

In work is determined contamination level in greater cities of Uzbekistan, their последственное influence upon the surround ambience, types of diseases, appear in the consequence of increasing a level of bad surges of cars.

Statistical relationship between a perfect gases and diseases beside the people was install in the manner of single-line plural correlations, are determined factors to correlations and regression level.

Designed model, allowing forecast a volume of bad surges depending on the type of the engine of car, values of run, technical condition of car and other factors, that allows by shortenning the a perfect gases to track for reducing a disease level beside the people.

General methodology of economic evaluation of influence of a perfect bad gases on health of person and action upon their reducing has certain scientific and practical interest.

Results of basic researches and recommendations of author, have found its reflection in publications and appearances on research conferences.